28 04 95

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

25 апрель, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 78 (1080)

## ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА

# МУРОЖААТ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бошлиқлари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўз мамлакатлари халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қиладилар.

1945 йилнинг 9 майи инсоният тарихида XX асрнинг энг унутилмас ва энг муҳим санаси сифатида: эзгулик ва озодлик тантана қилган кун, халқлар фашизм қуллиги хавфидан батамом қутилган кун сифатида қолади.

Совет Армиясининг, партизанлар ва яширинча кураш олиб борганларнинг қаҳрамонлиги, кишиларимизнинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати, халқларимизнинг мислсиз мардлиги, матонати ва қардошлиги мана шу Буюк Ғалабага олиб келган муҳим омиллардир.

Фашизм билан курашга итифоқчиларнинг қўшинлари, антифашистик ҳаракатлар, гитлеризмга қарши иттифоқдаги барча мамлакатлар халқларининг саъй-ҳаракати ҳам муҳим ҳисса қўшди.

Ғалаба коллектив ақл-идрок, озодлик ва инсон қадр-қиммати учун курашган ва уни ҳимоя қилган халқлар ва одамларнинг фидокорлиги ва алоҳида қаҳрамонлиги **бутун дунё халқларининг ўлим хавфи олдида бирлаша олиш қобилиятининг** ёрқин намойиши бўлди.

Ғалаба халқаро хавфсизликни таъминлаш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш ишида жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг ҳамкорлик қилиш имконияти борлиги ва шундай қилиш зарурлигини кўрсатди.

Биз тинчлик, озодлик ва демократия йўлида улкан қурбонлар берилганини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз ўз ватандошларимиз номидан Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатлар халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни ҳалок бўлганлар хотирасини эъзозлаш, уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни асраб-авайлаш ва ҳозирда барҳаёт ғалаба ижодкорларига иззат-икром кўрсатишга даъват этамиз.

Умумий тинчликни мустаҳкамлашга интилар эканмиз, биз, халқларимизнинг тинчлик ва фаровонлик йўлида Ҳамдўстлик доирасида ҳам, барча мамлакатлар билан ҳам ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга эришишга бўлган қатъий иродасини тантанали равишда тасдиқлаймиз.

Биз барчани сайёрамиздаги тинч ҳаётга бўлган янги хавфларга қарши курашда, ҳозирда мавжуд зиддиятларни бартараф этиш ва пайдо бўлиши эҳтимоли бор янги зиддиятларнинг олдини олишда саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга даъват қиламиз. Янги кулфатлар, вайронгарчиликлар ва қон тўкилиши хавфи беркиниб ётган бу зиддиятларнинг фожиали тарзда ривожланиши эзгулик ва тараққиёт идеалларига зид бўлиб тушади.

Биз Буюк Ғалаба қурбонлари ва барҳаёт қаҳрамонлари олдидаги муқаддас бурчимизни идрок этган ҳолда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган барча давлатларнинг халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни келажак авлодларни янги урушлар даҳшатлари ва кулфатларидан халос қилиш учун барча куч ва иродани бирлаштиришга даъват этамиз!



*Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги деҳқонлари чигит экишни ниҳоясига етказишди. Бу иш айниқса Холмат Тожибоев бошлиқ бригада далаларида сифатли амалга оширилди. 80 гектардаги майдонга уруғ қадаш билан бир вақтда ер озиқлантирилди. Бригада аъзолари бу йил гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи.*

*СУРАТДА: хўжаликнинг илғор механизатори Туроп Юсупов.*

**Х. МИРЗАКАРИМОВ** суратга олган.

## РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЛМАШИНДИ

22 апрель куни Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 2 мартда Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатларни икки мамлакат парламентлари ратификация қилгани тўғрисидаги ёрлиқларни алмашиш маросими бўлиб ўтди. Ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Филипп Сидорский имзо чекдилар.

**(ЎзА).**

## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

***Намангандаги «Зарбдор» жамоа хўжалигида Наманган вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг семинар-кенгаши бўлди. Кенгашда чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини яхши ундириб олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.***

Кучли жаладан сўнг вилоятнинг бир қанча туманларида экин-тикинга зарар етган шу кунларда бу айниқса долзарб масаладир. Семинар-кенгаш иштирокчилари йилнинг биринчи чорагида чорвачиликни ривожлантириш якунларини ҳам муҳокама қилдилар, пиллакорлар ишини самарали ташкил этиш йўлларини белгилаб олдилар. Наманганлик деҳқонлар ва чорвадорлар олдида турган муҳим масалалар юзасидан вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди.

**(ЎзА).**

*• Мухбир муаммо қўяди*

***Ривожланган мамлакатларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ошиғи олчи. Бироқ Ўзбекистонда ягона бўлган Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси эса ана шундай имкониятга эга бўла туриб, нега қулоғигача қарзга ботди?***

# НЕГА ҚУЛОҒИГАЧА ҚАРЗГА БОТДИ?

Чойнинг шифобахш хусусиятию, уни халқимиз хуш кўриб истеъмол қилиши сабаблари ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Чой ўсимлиги республикамиз ҳудудида етиштирилмаса-да, аммо ҳукумат аҳолини бу маҳсулот билан тўла таъминлаяпти. Савдо дўконлари пештахталарида доимий бўлиши шарт қилиб қўйилган саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотининг бири ҳам шу. Холисанилло айтганда, вақти-вақти билан ёғ, совун, шакар тақчиллиги сезилса-да, аммо чой ҳақида бундай дейишга асос йўқ. Чунки у дўконларда етарлича бор. Сабаб?

Собиқ Иттифоқ даврида мавжуд чой фабрикаларининг бири Самарқандда жойлашган эди. Ўшанда бу корхона ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан турдош фабрикалар орасида юқори ўринда турарди. Йилига 31 минг тонна чой қайта ишланиб, бутун Марказий Осиё республикаларига юборилларди. Самарқандда қадоқланган маҳсулот алоҳида қадрланар, айниқса, халқимиз ўртасида «95» ғоят машҳур эди.

Хўш, бугун-чи? Агар дўконларнинг пештахталарига қаторлаштириб терилган чой тўла целофан халталар назарда тутилса, корхонанинг фаолияти жойида эканлигига шубҳа қилмайсиз. Баъзи корхоналар хомашё йўқ баҳонасида ойлаб тўхтаб турган бир пайтда, бу ерда иш маромида кетаётир. Ишчи-хизматчиларга маош ҳам шунга яраша берилаяпти. Маҳсулотлар эса мунтазам равишда дўконларга чиқарилаётир.

— Ёлғон бўлмасин, фабрикамиз сурункасига уч ой ишламади, — деди корхона директори Владимир Моисеев. — Ана шу вақт ичида 1070 нафар ишчи-хизматчига ўртача меҳнат ҳақининг учдан икки қисми миқдорида маош тўлаб борилди. Сабаби хомашё танқислигида эмас. Етарли. Ҳатто биз учун кўплик ҳам қилади... Гап шундаки, биз маҳсулотни ишлаб чиқарамиз, лекин савдо ташкилотларидан вақтида унинг пулини ололмаймиз. Натижада бошдан-оёқ қарзга кўмилиб бораяпмиз. Ҳозир бу кўрсаткич юз миллионлаб сўм билан ўлчанади...

Корхона нега бундай аҳволга тушиб қолди?

Республика аҳолисининг чойга бўлган бир йиллик эҳтиёжи ўттиз минг тонна, деб белгиланган. Лекин бу қандай ҳисоб-китоблар асосида чиқарилган? Номаълум. Масалан, 1994 йилда фабрикада 18 минг тонна чой қайта ишланган. Ўша йили шунча маҳсулот икки ярим ой мобайнида умуман тарқатилмади. Лекин истеъмолчи учун бир грамм ҳам чой камайгани йўқ. Аксинча, ўша чойларнинг бир қисми ҳануз савдо дўконларида турибди.

— Бундай аҳволга тушишимизнинг сабаблари кўп, — дейди корхона директорининг тижорат масалалари бўйича ўринбосари Жаҳон Ражабов. — Аввало, бизга нарх белгилаётган ва вилоятларга фонд ажратадиган вазирликлар бугунги бозор иқтисоди талабларини тўла ҳисобга олаяпти, деб бўлмайди. Ўзингиз ҳисобланг. Бизда чиқарилаётган чой баъзан бозорларда, уни маҳсулот айирбошлаш ҳисобига олиб келган дўконларда сотилаётганига нисбатан анча қиммат. Масалан, бизда бир килограммининг нархи 65 сўмдан 80 сўмгача белгиланган. Савдо ташкилоти эса бунга яна ўттиз-қирқ фоизли устама баҳони қўшади. Бозорда ва айрим хусусий дўконларда эса бу кўрсаткич нисбатан паст. Тўғри, уларнинг сифатига кафолат бўлмаса-да, аммо, ҳарқалай, одамлар бугун арзонроқ маҳсулотни ахтаришади...

Иккинчидан, фонд белгилаш ҳам ҳозирги кун талабига жавоб беролмайди. Дейлик, Фарғона вилоятига қанча чой кераклиги, Самарқанд ёки Хоразм аҳолиси ундан неча тонна истеъмол қилиши нима асосида белгиланади? Одамлар сонига кўра. Лекин чой об-ҳавога қараб, яъни қаерда ҳарорат иссиқ бўлса, ўша ерда кўп ичилиши-чи? Хуллас, бундай кўрсатмалар асосида бизда шундай вазият вужудга келганки, пули бор ташкилотлар чой ололмай, ўша фонд бўйича ҳаммасини олган айрим вилоятлар эса қарзини тўлолмай юришибди. Ҳозир корхонадан савдо ташкилотларининг қарзи 32 миллион сўмдан ошиб кетган. Албатта, бизнинг давлатдан қарзимиз олдида бу кўрсаткич ҳолва...

Жаҳон Ражабовнинг айтганича бор. Фабриканинг банк картотекасидаги қарзи 521 миллион сўмдан ошади. «Ўзпахтасаноатсотиш» акциянерлик жамиятига 390 миллион 380 сўм, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига 63 миллион 650 минг сўм (1993 йилда Туркиядан чой олиб бергани учун), республика Солиқ давлат қўмитасига акция солиғи учун 50 миллион сўм тўланиши керак.

Вазиятдан чиқишнинг имкони борми?

— Бор. Қийинчилик билан бўлса-да, имкон топса бўлади, — дейди фабриканинг бош титестри (чой синовчиси) Алиакбар Сафаров. — Бунинг учун, аввало, бир масалани ҳал қилиб олиш керак. Чойни қадоқлайдиган ранго-ранг, турли ҳажмдаги қутилар зарур. Илгарилари 50, 100 граммли ана шундай қутиларда чой чиқариларди. Ҳар ким эҳтиёжига яраша оларди. Лекин ҳозир целофан халтадан бошқа қадоқлайдиган нарса йўқ. Умуман, бошқа мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатаяптики, маҳсулотни харидорга таклиф қила билиш ҳам керак. Қолаверса, чой кўп турса, унинг сифати бузилади. Фальга билан қадоқланган чой эса узоқ вақт хуштаъмлигини сақлаб тура олади. Аммо бизнинг бу ҳақдаги талабимиз, негадир эътиборсиз қолаяпти.

Корхонага валюта ҳисобига минглаб тонна хомашё олиб келинмоқда. Бироқ уни қадоқлаш масаласи ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Агар хомашё ҳажми озгина қисқартирилиб, ўшанинг пулига қадоқлаш буюмлари харид қилинса, нур устига аъло нур бўларди. Қолаверса, узоқ йиллар давомида Самарқанд чой фабрикасига қадоқлаш учун қутилар тайёрлаб берган Беларусь Республикасидаги Витебск картон заводи бу хусусда ўз хизматини таклиф қилган. Лекин минглаб тонна чой хомашёсига пул бераётган вазирликлар бу масалага келганда...

Тўғри, март ойида Ҳиндистондан йигирма тўртта чой қадоқлаш ускунаси олинди. Ҳиндлар зарур миқдорда қоғоз ва бошқа нарсаларни ҳам бермоқчи. Аммо уларни алоҳида-алоҳида сотиб олишимиз керак экан. Яна масала чой қадоқланадиган турли ҳажмдаги қутиларга келиб тақалмоқда. Ахир, бундай қутилар бўлмаса, қимматбаҳо ускуналарни харид қилишдан не фойда?

— Биз банкдан мақсадли қарз олиб, уларни харид қилишимиз мумкин, — дейди директор ўринбосари Жаҳон Ражабов. — Бироқ, бу пул банкдаги ҳисобимизга келиб тушиши биланоқ уни қарзларимизни қоплаш учун олиб қўйишлари турган гап. Бу масала республика миқёсида ҳал этилмаса, уни ечиш мушкул. Агар бизга қадоқлаш материаллари (албатта, турли-туман ва ҳар хил шаклда) берилса, биз саксон-тўқсон фоиз ташвишдан халос бўлардик. Ўзингиз ўйланг, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбектуризм» компаниялари валюта ҳисобига четдан бир марта ишлатиладиган, махсус қадоқланган чой сотиб олишади. Агар автомат ускуна ва қадоқлаш материали бўлса, шуларни ўзимизда ҳам чиқариш мумкин. Пировардида қанча-қанча валюта тежаларди.

Хуллас, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида шунга ўхшаш муаммолар анча тўпланиб қолган. Шу туфайли корхона бугун икки сменада юз тонна чой қадоқлаш имконига эга бўла туриб, бир сменада фаолият кўрсатяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот эса 25-30 тоннадан ошмаётир. Ҳолбуки, фабрикада ўтган йилдан қолган 14 минг тонна чой шундайлигича турибди. Директорнинг айтишича, тузилган шартномаларга мувофиқ, чет давлатлардан яқинда яна кўплаб миқдорларда чой келтириларкан. Лекин қадоқлаш ашёлари, жумладан, қутиларни харид қилиш масаласи эса ҳамон муаммолигича қолмоқда...

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

***Хоразм вилоятида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти тузилди. Бу ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарарли бўлган маҳсулотларни сотишга йўл қўймасликдир.***

Хоразмдаги истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоячилари юртдошларига ғамхўрликдан ташқари, бу ердаги корхоналарнинг маҳсулотларини олаётган бошқа вилоятлар аҳолисини ҳам сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қиладилар. Жамият фаоллари республикадан ташқарига чиқариладиган молларнинг рўйхатини туздилар. Улар орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат моллари, гилам ва гилам маҳсулотлари ҳамда бошқа кўплаб моллар бор.

### ДОРИХОНА ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИЛДИ



**Кейинги пайтда Андижон вилояти, Избоскан тумани Пойтуғ шаҳри аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланди. Бу ерда ҳиссадорлик жамияти тузилганлиги дорилар танқислиги муаммоси ечимини топишида қўл келди. У аввалги шаҳар дарихонаси базасида ташкил топди. Ҳиссадорлик жамияти аъзолари бутун диққат-эътиборни аҳоли талабини қондиришга қаратмоқдалар. Улар нафақат шаҳарнинг 20 минг нафар аҳолисига хизмат қиладилар, қўшни вилоятлар аҳолиси ҳақида ҳам қайғурадилар.**

**СУРАТДА: доришунос Фотимахон Тўхтабоева дори тайёрламоқда.**

### ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

***Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қодирий номидаги 116-мактабда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб авлодлар учрашуви ўтказилди.***

Унда уруш фахрийлари ўзларининг фронт хотираларини сўзлаб бердилар.

Уруш фахрийлари ташаббуси билан мазкур мактаб ҳудудида ғалаба боғи барпо этилди.

### ЧЕГАРАЧИ НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

***Сурхондарё вилоят ҳокимининг қарорига кўра Термиз шаҳридаги кўчалардан бири жасур чегарачи Ермек Ўзбеков номи билан аталадиган бўлди.***

Мустақил Ўзбекистоннинг жанубий чегарасида хизмат қилган застава бошлиғи капитан Е. Ўзбеков 1994 йилнинг 23 февралида чегара бузувчилар билан жангда ҳалок бўлди. Ватаннинг муқаддас тупроғини кўз қорачиғидек сақлашда азиз жонини фидо қилган жасур чегарачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Жасорат» медали билан мукофотланган ва унга майор ҳарбий унвони берилган эди. Амударё бўйида унга меъмориал ёдгорлик ўрнатилди.

### ЎН УЧ ҚАЛДИРҒОЧДАН БИРИ

***Академик Қори Ниёзий ва маърифатпарвар шоир Ҳамза ташаббуси билан очилган Фарғона ҳудудий билим юртини 1924 йилда илк бор ўн уч нафар йигит-қиз битириб, ҳаётга йўлланма олган.***

Ана шу қалдирғочлардан бири таниқли тилшунос олим, профессор Улуғ Турсунов эди. Домла ҳаёт бўлганларида ҳозир тўқсонинчи баҳорни қаршилардилар.

Самарқанд давлат дорилфунунида ўтган хотира кечаси ана шу санага бағишланди. Унда иштирок этган шогирдлар, издошлар домланинг ҳаёти ва бой илмий мероси ҳақида гапирдилар.

### ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ



**Каттақўрғон пахта заводида корхона иш фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.**

**Уч йил илгари завод қошидаги эски бино қайта таъмирланиб, кичик «Нур» фирмаси ташкил қилинган эди. Қисқа давр ичида фирма немис технологияси асосида колбаса ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шунингдек, корхонада пойабзал ҳамда тикув цехлари ишлаб турибди.**

**СУРАТДА: пойабзал цехидан лавҳа.**

### ЁШ НАҚҚОШЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Андижон халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан билим юртлари ва лицейларнинг битирувчи гуруҳ ўқувчилари ўртасида «Моҳир уста» ҳунармандлар танлови ўтказилди.***

Вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан келган ёш ижодкорлар даставвал тест саволларига жавоб бердилар, сўнг ўзлари тайёрлаган наққошлик намуналарини намойиш этдилар.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

